

**Рим империясида Юлий-Клавдийлар сулоласининг императорлари даври ва принципат**

I аср бошларида Рим империясидаги сиёсий инкироз бархам топди. Сенат Тиберийни Августнинг вориси сифатида тан олди. Тиберий ўз мавкеини мустахкамлаб олиш учун преториан когорталарининг барини Римга тўплаб, уларга Рим атрофидан кароргох курдириб беради. Бундан ташкари у трибун ва центурия комиссияларини чакирмай кўйди, магистратларни эса сенат оркали сайланадиган тартиб жорий килди. Тиберий молиявий тежамкорлик нуктаи назаридан турли томошаларни чеклаб кўяди.
Соликлар хаддан ташкари кўпайиб кетганлиги туфайли вилоятларда кўзголонлар кўтарила бошлади.
Римликлар Африкада бош кўтарган ахолига карши кураш (милоддан аввалги 17 -24 йиллар) олиб бордилар. Бундан ташкари, Фракия, Галлия ва Италия жанубида хам кулларнинг кўзголонлари бўлиб ўтди. Бу хабарлар Римда саросима келтириб чикарди. Рим аристократияси вакиллари ахоли норозилигидан фойдаланишга уриндилар. Улар Германийни Тиберийга карши гиж-гижлайдилар. Германий Сурияда вафот этгач, унинг невараси Агриппина аристократларга бош бўлади. У эрини захарлашда гумон килиниб, сенат конунига мувофик жазога тортилади. Тиберий бошкарувининг сўнгги йилларида Римдан Капрея оролига кетган, Римга ўзининг ноиби сифатида колдирган преторий гвардиясининг префекта Сеян фитна кўзгаб, хокимиятни кўлга олишга харакат килади. Бундан огох бўлган Тиберий Сеянни катл эттиради. Тиберий милодий 37 кили Капрея оролида вафот этади.

**Республикани тиклашга уриниш**

Тиберий вафотидан сўнг сенат ва преторий префект Германийнинг кичик ўгли Гай Цезарь Тиберийни ворис деб эълон килади. Унинг исми Колигула бўлган. Рим ахолиси ичида ўзига обрў козониш учун дабдабали томошалар укжттирган, жангчи ва камбагал табакаларига Рим фукаролигиги берган. У Тиберий йиккан маблагни киска вакт ичида сарфлаб бўлган. Калигула принципатининг биринчи йили огир касал бўлиб, бу унинг рухиятига таъсир кўрсатган. Калигула гох Британияга юриш килган, гох кераксиз иншоотлар курдирган, гох бўшаб колган хазинасини тўлдириш учун зўравонлик билан пул

тўплаган. Бўшаб колган хазинасини тўлдириш учун Калигула кўпгина сенаторларнинг мол -мулкини мусодара килдириб, ўзларини катл эттирган. У кулларга ўз сохиблари устидан шикоят килишига йўл кўйиган. Кулдорлик негизига путур етказган бу буйрук Калигулани халок килди. Сенат аристократияси ва преторианлар гвардияси бошликлари орасида фитна кўзгалган. Фитначилар императорни ўлдириб, бошкаришнинг республика шаклини тиклаш фикрига келадилар. Милодий 11 йили январида Калигула циркдан саройга кайтиб келаётиб, Палатин тепалигида ўлдирилади. Сенат республика эълон килишга уринса хам, преториан харбийлари бунга катьиян карши чикдилар. Улар Германийнинг укаси Клавдийни император деб эълон килдилар. Натижада сенаторлар республика тузумини тиклаш фикридан воз кечишга мажбур бўлдилар.

**Клавдий принципати (милодий 41-54 йиллар)**

Клавдий Римдаги сиёсий вазиятни баркарорлаштиришга уринган. Ўзини тахтдан агдариш учун бўлган уринишга жазо чоралари билан жавоб кайгарган. Император ижозатисиз сенаторларнинг Римдан ташкарига чикишлари ман килиниб, баъзилари катл этилган, баъзилари сургун килинган. Харбийлар хам, Рим йўксуллар оммаси хам аристократлар республикаси тарафдорларини кўллаб кувватламадилар. Харбийлар ва Римнинг камбагал табакалари садака ва совгалар олишдан манфаатдор бўлган.
Клавдий ва унинг энг якин кишилари мавжуд сиёсий вазиятни хисобга олиб, сенатдаги онпозицияга карши курашда кўшин ва вилоятдаги кулдор зэдагонларга таяниб иш кўришга харакат килдилар. Клавдий зодагонларни ўзига огдириш учун Рим фукаролик хукукларини вилоятда тугилиб ўсган ва шунингдек шахар эркин ахолисига хам берган. Клавдий хукмронлиги вактида империяни бошкариш учун идорахар ташкил этилган ва уларга озод килинган куллар бошлик килиб тайинланган. Вилоят прокураторларига суд карорларини чикаришда мустакиллик берилган. Клавдий Рим ахолисини озик-овкат билан таъминлашни яхшилаш максадида Остиядаги Рим гаванини кайта таъмирлаб кенгайтирган ва сув кувурлари ўтказган. Клавдий принципати даврида Мавритания билан Британия забт килиниб, Рим империяси таркибига кўшиб олинган ва давлат худуди хозирги Дунай чегараларига бориб етган.
Клавдий хукмронлигининг охирига келиб Босфор подшолиги тамомила Рим империясига карам бўлди.
Маъмурий махкама тузилиши, вилоят зодагонларига муносабат, императорга душман бўлган сенаторларнинг кўплаб катл этилиши зодагонлар газабини кўзгаган, аммо императордан норози бўлган Рим аристократияси республика тизимига карши бўлган преторианлар ва легионерларнинг кайфиятини хисобга олиб, Клавдийнинг якинларини хокимиятдан четлатишга ва уни бошка принцепс билан алмаштиришга уринган холос. Клавдийнинг хотини Мессалина эрига хиёнатда ва унга карши фитна уюштиришда айбланиб, катл этилади. Клавдий жияни ва айни вактда сенатор Домицийнинг бева хотини Агриппинага уйланади. Агриппина Клавдийни захарлаб ўлдиради. Шундан сўнг тахтни маликанинг ўгли Нерон эгаллайди.

**Нерон принципати ( 54-68 йиллар)**

Нерон Рим давлати хукмдори деб эълон килингач, Рим италий зодагонлари имтиёзли ахволини тиклаш ва вилоятлар ахолиси хисобига бойлик орттиришга каратилган сиёсий

режаларини ёш император кўллаб-кувватлашига ишонгандилар. Нерон император бўлиши билан атрофдагиларнинг маслахати билан, сенатга хурмат юзасидан барча давлат масалаларини хал килишни унга топширилишини, ўзи эса легионлар жойлашган вилоятлар билан машгул бўлишини расмий равишда эълон килади. Сўнгги вактда у вилоят ноиблари ва ахолидан солик йигувчиларни ўзи тайинлайдиган бўлди. Ёш императорнинг устози Сенека Британияда соликлар йигиш билан катта бойлик орттирган. Аввалига Нерон давлат ишларига аралашмай, вактичоглик билан вакт ўтказган. У театрда артистлик килган, ашула айтган, шеърлар ёзган. Аммо атрофидагилар тез орада хокимият учун курашга жалб килишган. Бу кураш жараёнида у Клавдийнинг ўгли Британикни, ўзининг хотини ва хатто онаси Агриппинани хам катл эттиради. Нерон даврида Арманистон - Парфия учун олиб борилган урушлар чўзилиб кетган эди. Сенат билан муносабатларнинг бузилиши, Арманистондаги харбий маглубият, Британиядаги кўзголон, ёнгин, катллар ва мусодара килишлар вилоят ва Рим аристократлари газабини келтирди. Милодий 65 йили Неронга карши фитна кўзгалди. Унда сенаторлар, преторий зобитлари, икки преторий префектдан бири катнашди. Фитначилар Неронни ўлдириб, Кальпури Пизонни император деб эълон килиш ниятида эдилар. Фитнада Сенека хам иштирок этади. Аммо император бундан хабар топиб, фитначиларни каттик жазолайди.

**Милодий 66-68 йилларда Рим империясидаги сиёсий ахвол янада кескинлашди**

Британия империя таркибидан чикди. Яхудиядаги кўзголонлар кўлами кенгайди. Пойтахтда янги фитналарга тайёргарлик бошланди. Юлий Винденск бошчилигида императорга карши исён кўтарилди. Нерон аввалига унга ахамият бермади. Герман легионлари Винденск кўшинларининг тор-мор килганини эшитган Нерон тантана килади, Аммо жангчилар унга карши эканлигини билгач, Мисрга кочиш тараддудини кўради. Преторианлар император ниятидан хабардор бўлиб, кўзголончилар тарафига ўтадилар. 68 йил ёзида Нерон саройдан кочиб, ўз жонига касд килади. Нероннинг ўлими билан Рим империясида патрицийлар сулоласига мансуб ва Август бошлаб берган Юлий - Клавдийлар сулоласи тугалланади. Унинг ўлимидан кейин мамлакатда зиддиятлар янада кучайди. Сенат ва барча легионлар Веспасианни император деб тан олдилар. Чунки у Сурия ва Яхудиядаги кўзголонларни бостириб, Якин Шаркда баркарорлик ўрнатди.

**Веспасиан принципати(70-79 йиллар)**

Веспасиан кўзголонларни бостириб, осойишталик ўрнатганидан сўнг, империяни ларзага келтирган сиёсий инкироз бархам топди. У Рим сенати билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Сенат давлатнинг олий хокими сифатида Веспасианга берилган хукуклар тўгрисида махсус карор чикарди. Бу карорга кўра Веспасианга аввалги хукмдорлар эга бўлган барча хукуклар берилган.
Веспасианнинг барча кўрсатмалари Римдаги харбий ва фукаролар учун мажбурий бўлган.
Веспасиан жуда режали совга ва мукофотлар таркатишга нихоятда тежамкор ёндошганига карамай, жанубий Галлияда фахрийларнинг катта колонияларлни яратиб, уларни ер билан таъминлаган. Ўн минглаб кишига мўлжалланган Колизей амфитеатри

курилиши унинг замонида бошланган. Веспасиан империянинг молиявий ахволини тиклашга, кўшинда катьий интизом ўрнатишга, Шаркцаги хавфли кўшни - Парфия билан муносабатларни яхшилашга уринган. Аммо империянинг барча ахолиси хам унинг сиёсий фаолиятидан рози бўлмаган. Веспасиан вилояхлардаги кулдорларга хомийлик килиш жараёнида империянинг гарбий кисми - Испания, Галлия, Африкага кўпрок эъхибор бериб, Урха Ер сохилларидаги шаркий вилояхларга ехарли ахамиях бермаган. Эрамизнинг 79 йили Веспасиан вафот этади. Унинг ўрнига тахтни ўгли Тит эгаллайди. Тит (79 - 81 йиллар) ўзининг киска вакт хукмдорлиги даврида отасининг сиёсатини давом эттирди. Эрамизнинг 80 йилида биринчи марта африкалик Полохулий консул этиб сайланди. Унинг идораси даврида, милодий 80 йили Колизей курилиши тугалланди. 79 йили августда Везувий вулкони отилиб, Римнинг кўп кишлокларини вайрон килди.

**Домициан принципати (81 - 96 йиллари)**

Тит вафотидан сўнг хокимият Веспасианнинг иккинчи ўгли Домициан кўлига ўтди. Домициан отасига зид иш тутиб, сенат фикри билан хисоблашмаган. У ўзига худо каби мурожаат килишларини талаб килган. Домициан Италиянинг иктисодий ахволини мустахкамлаш максадида токзорларни кенгайтиришни такиклаб, дехконлардан дон экишни тиклашни талаб килган, вилоятларда хам токзорлар майдони камайтирилган. Домициан империяни идора килган даврида Рим кўшинлари Германиянинг жанубий-гарбий кисмини, Рейн билан Дунай дарёларининг юкори окимидаги ерларини эгаллаган.

Пекин шаркда, Дунай этагида, Болкон ярим оролидаги Рим вилоятлари хавф остида колди. Римликлар Британияда хам огир кураш олиб борганлар. Саркарда Публий Валерий Агрибола - хозирги Англия тупрогида Рим хукмронлигиии тиклагач, шимолда мустахкам калъалар барпо этган. Милодий 89 йили Куйи Германия легиони ўз легионери Антоний Сатурнини император деб эълон килади. Домициан бу кўзголонни бостиришга эришди. Аммо у кўпгина сенаторлар Сатурингa хайрихох эканлигидан хабардор бўлса хам, уларга карши кўрилган жазо-чоралари императорнинг ахволини мустахкамлай олмаган. Жазолар душман газабини янада оширди, холос. Милодий 96 йили яна фитна кўзгалиб, император Домициан ўз саройида ўлдирилди.

"Умумий тарих. Кадимги давр" китобидан